



ЖАМИЯТ

№ 44 (721)
2020 йил
6 ноябрь,
Жума

Газета

2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган



www.bong.uz



jamiyatgzt@mail.ru

Оддий мато эмас,
чинакам фурур тимсоли!



Совуқ кунларда



Иссик хоналар жоннинг роҳати



Қулоқчин
қулайлими,
карликка
сабаб?

“Ўзбекона
конспект”

ёхуд талабаларнинг
ҳавога совурилаётган
умри



ҚИСҚА
САТРЛАРДА
ҮҚИНГ!

Давлат солиқ қўмитаси ҳузурида Фискал институт ташкил этилади.

НДСИМСО - НДСИМСО

Оддий мато эмас, чинакам гурур тимсоли!

18 ноябрь – Ўзбекистон Республикасининг “Давлат байроғи тўғрисида”ги Конуни қабул қилинган кун

ДАВЛАТ БАЙРОГИ УНИНГ РАМЗИ САНАЛАДИ. МАМЛАКАТИМIZНИНГ АСОСИЙ РАМЗЛАРИДАН ХИСОБЛАНГАН БАЙРОФИМИЗ БУГУНГИ ЎЗБЕКИСТОН САРХАДИДА КАДИМДА МАВЖУД БЎЛГАН ДАВЛАТЛАР БИЛАН ТАРИХАН БОҒЛИҚЛИГИНИ АНГЛАТАДИ ХАМДА РЕСПУБЛИКАНИНГ МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ АНЪАНАЛАРИНИ ЎЗИДА МУЖАССАМАШТИРАДИ.

Байроқ сўзи “ботроқ” сўзидан келиб чиқган бўлиб, “ботирмок” маъносида келади. Тарихдан маълумки, қадимги турклар тупроқда ботиритган тирговичларнинг учига қабилаларининг рамзи сифатида матолар ёки ишлар осар эдилар. Вақт ўтиши билан бу тупроқда ботиритган ёғоч, тўлқинланган давлат рамзига айланади. Аввал байроқлар фахатни на хабарлашиш, сигнал бериш каби мақсадларда ишлатилган.

Дастлабки байроқлар Буюк Ипак йўли пайдо бўлган (мил. авв 138-йил)дан сўнг илк марта Хитойда вужудга келган. Шунингдек, байроқдорлик пайғамбаримиз Мухаммад (с.а.в.)нинг ҳам катта ётибор қарратган ишларидан биро ҳисобланган. Ҳусусан, Ислом дини учун олиб борган газот-

Тўғри, нуғузли ташкилотларимизда байроғимизни учратамиз. Лекин айрим ташкилотларга кириб кузатсангиз, деярли њеч бирида байроққа кўзингиз тушмайди. Байроқ фақат мактаб, коллеж, олийгоҳ ёки шунга ўхшаш маълум ташкилотларда бўлиши керак дегани эмас-ку! Унинг устига байроқ ҳақида деярли барчамиз: “Миллатимиз фахри, бошқа давлатлар орасида ўзлигимизни билдирувчи рамзимиз”, дея тўлиб-тошиб гапирамизу, унинг асл моҳиятини тушуниб етмаймиз. Беш кўл баробар эмас, байроғимиз билан гурурланиб, чинакамига кўзларига суртвилар ҳам бор. Юқорида айтганимиздек, ҳалқаро танловлар голиблари ва спорт мусобақалари совриндорларининг голиблиги ўзлон қўлиниши билан байроғимиз юксакларга кўтарилигданда кўзларида ёш билан ўзбеклигидан, миллий рам-

ларida (курашларида), албатта, байроқ билан чиқардилар ёки байроқдор тайинлаб, кўшин жўнатарилар. Ушбу шаррафли ишни бажарини барча саҳобалар орзу қилишарди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) байроқдорликка энг ишончли ва шижоатли саҳобаларни кўярди. Сабаби қўшишининг тақдиди байроқдорга боғлиқ бўлган. Соҳибқирион Амир Темур



хукроонлиги даврида ҳам байроқ муҳим сиёсий аҳамият караб этган. Амир Темур байроғининг дастаси узунилиги 4-5 метрдан кам бўлмаган мовий рангда экани тарих китобларида ўз аксини топган. Соҳибқирион: “Жант майдонида бир лашкар омон қолган бўлса ҳам байроқни қоланд тутсин”, деб фармон берган. Сабаби ўша давларларда байроқнинг ҳатто ёгилишини мағлубият деб қабул қилган.

Ҳозирги кунда ҳам байроқ моҳиятан бу аҳамиятини йўқоттанича ийӯқ. Юқорида айтганимиздек, у давлатнинг асосий рамзи ҳисобланади. Шунингдек, байроғимизнинг БМТ, МДХ, ШХТ каби ҳалқаро ташкилотлар қарор-гоҳида, барча давлатлардаги ёзичоналаримизда ҳиллилардаги туриши ҳам давлатимизнинг обрў-ётиборини белгилаб

беради, албатта.

Ҳалқаро танловлар, спорт мусобақаларини, айтмасак ҳам бўлади. Чунки байроғимизни Ватанимиз рамзи сифатида энг кучли ҳис қиласидан вақтимиз ҳам айнан спорт мусобақалари бўлиб қолган. Спорчимиз голиблини кўлга киритганда давлатимиз байроғининг жаҳон ареналаридан ҳиллилар, мадҳиямизни бутун дуне ёшитиши барчамизни фахр, гурур, ифтихор туйулирига тўлдиди. Шундагина унинг оддий мато эмаслиги, балкин, унда миллат гурур, ифтихори мужассамлигини англаймиз. Юртимиз сарҳад-

зидан фахр ҳиссини туйтаганини ойна жаҳон орқали кўп кузатганимиз. Уларга, албатта, ҳавасимиз ҳам келган.

Шундай экан, келинг, миллий рамзимиз ҳақида юзаки, соҳта, зўрма-зўраки гапларни бас қиласидан да, унинг аҳамиятини чин дилдан ҳис этишини фарзандларимиз руҳига сингдиришдан эринмайлик. Зоро, инсон қалбida миллий гурур шаклланишида миллий рамзларининг аҳамияти жуда катта ва муҳимdir!

Комила ЁДГОРОВА,
ЎзЖОҚУ талабаси

Элни бирлаштириш савобли амал

Ростини айтсам, депутат бўлиб, сайловчилардан бундай қаттиқ гап ёши таман, деб ўйламагандим. Учрашувда бир сайловчи Алининг аламини Валидан олгани каби, илгари ҳал бўлмай келган муаммо учун менга кескин гапирди. “Бу муаммонинг ҳал бўлишига ишонмай кўйганман, сиздан олдингиларга ҳам айтганиман, вазирликка ҳам ёзганиман, лекин ќеч қанақа натижага бўлмаган. Сиз ҳам бу ишни амалга ошира олмайсиз” деб, менга ҳам шубҳа билан қаради.

Тўғриси, бу фуқаронинг гапи хәйлимга ўрнашиб қолди. Туну кун шу ҳақда ўйлай бошлидим. Депутат бўлиб, бир сайловчи айтган масалага сим топа олмасам, нима қилиб юрибман, деган бир фикр пайдо бўлди. Ай-

нан Бувайда туманидаги “Янги қишлоқ” маҳалла фуқаролар йигинидаги иккى қишлоқ ҳаётини обдон ўргандим. Ҳақиқатда, сайловчи айтганича бор экан. Ўқувчилар ва аҳоли серқатнов катта “трасса”нинг нари-

ги томонида кўриниб турган мактабга, савдо дўконига, бозор-ўчарга, шифокор ёки сартошонага борашиб учун ҳам йўл танобини тортишга тўғри келар экан. Тўхтовиз қатнаётган машиналар карвони йўлнинг нариги томонига ўтишга изн бермайди. Айниқса, ота-оналар фарзандининг бу йўлдан ўтишини сира исташмайди. Боласини мактабга кузатар экан, кўнглига хавотир оралайди. Ҳудо кўрсатасин, бирор-бир фалокат рўй бермаслигига ќеч ким кафолат берга олмайди.

Бу ҳудуд ҳаётини ўрганар эканман, бенхитёр кўз ўнгимда куюниб гапирайтган, катта “трасса” устида кўпrik курилишига ишонмай кўйган ўша сайловчи келди. Наҳот, шунча

вақтдан бўён бу серқатнов катта “трасса” иккى қишлоқ аҳлининг алоқаларини узib кўяёттани, ҳалловини ўтирилаеттани ќеч кимни ташвишлантирган бўлса? Нега мутасадди раҳбарлар ҳалқнинг кўйналаётганида беларво бўлиб юришган экан? Бу саволларга депутат сифатида ўзим жавоб топишни кераклигини ҳис килим.

Ваколатим доирасида масалага жиҳдий киришдим. Тегиши вазирлик ва мутасадди раҳбарлар ётиборини иккى қишлоқ оламларининг оддийгини кундузлик юмушларини бажариш учун қийинчиликлар исказжасида қолаёттанига қаратдим. Бу кўпrik факат йўлларни эмас, дилларни ҳам туташтиришини, қўни-қўшичиллик,

куда-андалик ва қадимий қадриятлар, урф-одатлар бирлашишини, бу эса иккى қишлоқ аҳлининг узоқ, йиллик орзузи эканини айтишдан чарчамадим.

Ниҳоят иккى қишлоқ аҳлининг орзузи ушаладиган кунлар келди. Айни пайдада бу кичик иншоотда курилиши ишлар бошлаб юборилди. Шундай куончалик кунларда аҳолининг хурсандилиги бир олам. Негаки, эндилиқда ана шу кўпrik сабаб иккى қишлоқ орзулиари, маънавияти, мадҳиямизни бирлаши, ажаб эмас. Зоро, йўлни, элни, дилларни туташтиришдан кўра савоблироқ иш йўқдир.

Мавлуда ИБРАГИМОВА,
Олий Мажлис Конуничилик
палатаси депутати

Муҳаммад Ал-Хоразмий номидаги ҳалқаро мукофот совриндорига 50 минг АҚШ доллари берилади.



Манзилим узоқ, йўл тирбанд, автобус ҳайдовчиси ҳам ичи кенг одам шекили, тезликни оширмаяпти. Атрофимда қулоқчин осган қулоқлару телефонга михланган кўзлар. Шупайт қулоғимга:

Ароқ кўз ёшдан тайёрланадими?

— Ойи, кечададам сизни нега ури, — деган савол чалинди-ю, бор эътиборимни жавобга каратдим.

— Вой, жиннивоец, автобусда бунга гапларни гапирма. Даданг шунчаки ҳазиллашиб-ку!

Бола гапдан қолмай яна сўради:

— Унда нега сиз ҳам, опаларим ҳам кечаси билан йиглаб чиқдингиз?

Кўзлари йигидан қизаргани билиниб турган она нима деб жавоб беришни билмай қолди. Кечаги воқеаларни англолмаётган олти ёшлар атрофидаги болакай эса ойисини тагин сўроққа тутди:

— Ойи, ароқ аччики?

— Ҳа, жудам аччиқ, болам.

— У қалампирдан тайёрланадими?

— Йўқ, ароқ аёллар кўз ёшларидан тайёрланади.

— Ойи, нега дадам аччиқ нарсаны ичади?

Фарзандининг саволларидан чаргаган ёл жим бўл дегандек боласига ўқрайиб қаради. Юз-кўзлари худди онасиникига ўхшайдиган болакай эса бу маъноли нигоҳдан кўркиб, гапиришдан тўхтади ва сеқингина онасининг бағрига бош кўиди.

Фикрларимни остин-устун кўлган бу сухбат куни билан ҳәйнимни тарқ этмади. Мана ҳақиқат, спиритли ичимликлар кимёвий моддалар йигиндиси эмас, балки ичклилар рўжу кўйган эри сабаб ҳар куни гам чекадиган аёлларнинг тўккан кўз ёшлари маҳсулидир. Болалиги гурбат ва нафратта қоришган болалар имодли. Бундай тарбахеҳларни хоҳлаганча давом этириш мумкин.

Қулоқчин қуляйликми, карликка сабаб?

Ҳозирги глобал асримизнинг ҳеч бир кунини янгилик ва қашфиётларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Дарҳақиқат, инсоннинг эҳтиёжларини қондириш, борган сари қуляйликларга эга бўлишига интилиш янги-янги гояларнинг туғилишига сабаб бўлмоқда. Ўтмишдан яратила бошланган бундай гоялар бугунги кунда ҳаётимизнинг ажралмас қисмiga айланаб бўлган.

Хусусан, 1910 йилда Нотаниел Болдин ҳар бир одам ошхонада ўтирган вақтида истаган мусиқасини бошқаларга ҳалакит қўлмай, тинглай олиш имконига эга бўлиши учун ихтиро қўлган қулоқчин ҳозирда барчамизнинг доимий ҳамроҳимиз хисобланади. Турли кўшиклиар, аудио китоблар эшинтиш, хорижий тилларни ўрганиш учун, албатта, қулоқчинга ҳаммамида эҳтиёж сезилади. Бироқ “тантганинг икки тарафини ҳам кўриш зарур”, деганларидек қулоқчининг ҳам инсон саломатлигига кўплаб зарарлари мавжуд.

Малзумотларга қараганда, одам учун зарарсиз бўлган товуш даражаси 60 дб гача экан. Қулоқчиндаги шовқин эса 110

дб га teng. Мутахассислар фикрича, 90 дбдан баланд товуш эшиши асаб тизимида жойлашган толаларга ёмон таъсири кўрсатади. Инсон асаб толалари 30 мингтандан ташкил этиб, бундай баланд товушда 25 фоизи ҳалок бўлади. Агар толаларнинг яримидан кўни ҳалок бўлса, одам кар бўлб қолини мумкин. Тўғри, қулоқчин ули телефондан келётган радиацияни камайтиради-ку, деган фикр туғилиши табиий, албатта. Аммо шундай ҳам унумаслик керакки, қулоқчина мусиқани баланд овозда тинглаш турли автоҳојолатларга сабаб бўлмоқда. Мисол учун, бундан бир

нечай йил олдин Бразилияда Сан-Паулодаги аэропортнинг учиш-кўниш ўйлақасига аэродром майдонини кесиб ўтишини иштаган велосипедчи чиқиб қолади. У қулоқчилари сабаби реактивдвигателлар ҳақиқиригини эшиятмай, самолёт остида қолади.

Яратилаёттан барча технолоғиялар бизнинг бекаму кўст ҳаёт кечиришимиз учун эмасми? Бироқ улардан фойдаланиш маданиятининг бизда тўлиқ шаклланмагани ҳам соғлигимиз, ҳам ҳаётимиз учун хавфли омиллардан бирни бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ўз умримиз ва саломатлигимизга бефарқ бўлмай, қулоқчин ва бошқа техник воситалардан тўтири фойдаланайлик.

Моҳим ТОПИЛОВА,
ЎЗЖОҚУ талабаси



Сирдарё вилоятида қуввати 1500 МВт бўлган янги иссиқлик электр станцияси (ИЭС)нинг курилиши бошланди.



Каранга, бир неча асрлар олдин араб алхимик олимнинг тасодифан қашф этган масти кўлувчи “алкехал” (енгил, учувчи) ичимлиги бутунги кунда на оиласига, на ўзига ачинадиган, нафси ҳар қандай нарсадан устун кўючи кимсаларнинг энг севимли маҳсулотига айланди. Тўғрироги, иродаси бўш ва енгил ҳаётни хоҳловчи одамларнинг якка ёлиз сунячиши ва мададкори бўлиб олди.

Ўзингиз ўланг, ўз уйига масти ҳолда келиб, аёлни аёвсиз калтаклайдиган отага фарзандлар мешр кўрсатади. Учтингин осмонда учётган ва оғиздан ади кириб, бади чиқаётган отани кўрган бола, фақатина, ундан ҳадиксираиди. Қўрқиб бу зулматта тўла уйининг қайсиидир бурчагига беркинади. Отанинг беҳаёсизлар билан онасини ҳақоратлашини эштимаслик учун кулоқларини беркиттана, бир бурчакда ухлаб қолади. Мана, сизга отанинг кўнгилшушиги, мана сизга онанинг чек-кан ситамлари.

Наҳотки, баъзи кишилар ўз соғлигидан ҳам, оиласидан ҳам шу бир шиша ароқни афзаль билса! Ахир, одам оламлар гултожи дейилар. Аммо пана-пастқам қовоқоналарда йўқдан баҳона йўндириб, тирноқдай гамни филлек таврифлаб “соғлиқучун” қадаҳ кутараётганлар бу номга ҳар дарада жада лойик!

Бола ёш новдага ўхшайди. Уни қай томонга эгсанг, ўша томонга қараб ўсаверади. Новда соғлом, тик ўсиши учун кучли шамолдан ҳимоялаб, атрофидаги ортиқча шохларини кесиб туриш лозим. Фарзанд тарбиясидаги бу ортиқча шохлар атроф-муҳит таъсирида миёда пайдо бўладиган салбий тушунчалардир. Бундай ҳодиса, айниқса, ойна жаҳон орқали кўрсатиладиган лавҳалар орқали юзага келади.

Экрандаги олабўжи;

Фарзандингиз қандай мультифильм томоша қиляпти?



Мининг мазмуни ҳам ажойиб. Фояси ҳам фарзандларга мос. Бироқ воқеалари ҳақида ундаи дея олмаймиз. Бир эслаб кўринг: қиролича Оппогойни ўлдириш мақсадида унга заҳарланган олма беради. Оппогой уни еб абадий уйкуга кетади.

Болаларнинг энг қизиқарли машғулотларидан бири бу мультифильм. Унда бериладиган турли жанрдаги мультифильмлар кичкинтояларининг севимли овунчиғи, десак, янгилишмаган бўламиз. Харҳашаси бутун оламини бузадиган бола ҳам мультифильм вақтида ақлилигига бўлади. Бу яхши, албатта. Сабаби, бунда ота-оналарнинг юмушларини бажариб олиши учун вақт топилади. Бироқ ҳар яхшининг бир ёмони бўлади, деганиларидек, улар томоша қилаётган мультифильмларини мазмун-мояхиди, ундаи ҳаракамонларнинг хатти-ҳаракатларига ҳеч эътибор бериб кўрганимисиз? Биз кўйидаги баъзи бир машҳур анимацион фильмларини таҳлил қилиб кўрамиз.

“Аловуддиннинг сеҳрли шамчироги”. Барчага таниши ва кўнгилликнинг севимли мультифильми. Ундаи воқеа-ҳодисалар юморга бой. Асосийси, ѝяси ёмонликка қарши кураши ва унинг устидан галаба қозониди. Бироқ ҳаракамонларига келганда ундаи дея олмаймиз. Бир эслаб кўринг, ушбу анимациядаги ярим яланоч Жасмина бош ҳаракамонлардан бирни сифатида гавалантирилган. Болалар экранда ниманни кўришса, ўша нарсани кийиб ёки еб кўргилари келади. Сиз қизинтизга шундай кийим кийдирасизми?

“Оппогой ва етти гном”. Яна бир машҳур ва севимли мультифильм. Ҳа, бунда ҳам ҳаммаси рисоладагидек кўринг. Қаҳрамонларнинг кийинишилар жойиди. Фильм оласига қарши чиқиб, қочиб, баҳти яшашмайди. Бизда ҳам оларнинг ор-номуси ҳамма нарсадан устун. Сиз фарзандингизнинг шу зайлда “бахт”га эришишини хоҳлармидингиз?

Бу – сизу биз билган дунёга машҳур биргина мультифильмлар мисолида айтилган гаплар. Юқоридаги мисоллар орқали болаларга анимацион фильмларни чеклаб қўйинг демокчи эмасиз. Шунчаки, уларни экрандаги “олабўжи”лардан сақланг демоқчимиз, холос. Зоро, ёшлидек кўрилган ҳар бир воқеа тарбиянинг бир таъм тоши бўлиб хизмат қиласди...

Орзигул ЖЎРАЕВА,
Бuxoro viloyati Fizjoduvon
tumani 4 maktab ўқитuvchisi

“Ўзбекона конспект”

ёхуд талабаларнинг
ҳавога совурилаётган умри

Мақтаниш эмас, саноқли “4” баҳоларимни ҳисобга олмаса, ҳар доим “5” баҳога ўқиганман. Шундан келиб чиқиб, назарий жиҳатдан Жаҳон тиллари университетини “Қизил диплом”га тутгатган пайтимда мен француз тилини камидиа французлардай билишим керак эди. Лекин Франциянинг Сиёсий фанлар институтига ўқишга кириб, у ерга ўқишига боргачгина мен ўзимнинг асл даражамни англаб етгани...

Франциянинг олий таълим мусасасалари орасида Сиёсий фанлар институти алоҳида ўрин туади. Айрим французлар бу олийгоҳни “факт элита учун кадрлар тайёрловчи” олийгоҳ деб, “камситиб”, атайди-лар, аммо ишонч билан айтишим мумкинки, бу олийгоҳ сифат ва савия жиҳатдан дунёдаги кўп-лаб олийтоҳларга ўрнақ бўла олади.


У ерга мен (шахсий кузатувим) иккита “қондо”нинг гувоҳи бўлдим:

1. Сен чет элликмасан ёки французмисан, бунинг аҳамияти йўқ. Ҳужжат топшириб, ўқишига кирдингми, энди ўқийсан. Масалан, тилни яхши билмаслигин бу сенинг шахсий муммонинг.

2. Сен билимлнимисан ёки билимсизми, бунинг ҳам аҳамияти йўқ. Ўқишин эплайман, деб ишонтириб кирдингми, энди ўқийсан. Масалан, ўтилаётган фанларни олдин ўтмаганинг бу сенинг муммонинг. Ўқий олмасанг, хайр...

...Ўзбекистонда олийгоҳда ўқиган пайтларимизда битта нарсани, яъни “конспект”ни ёмон кўрар эдим. Чунки бизлар (талабалар) биринчи курсдан тўртинчи курсчага (бальзан ундан кейин Магистратурда ҳам) биринчи пародан охирги парагча деярли ҳар доим конспект ёзишига мажбур эдик. Конспект ёзмаган талаба дарсга қўйилмаслиги ёки унга “НБ” қўйилиши мумкин эди. Конспект дафтари семестр охирида “Сессия” пайтida сўралар ва конспект ёзилмаган бўлса, талабалар ёмон бахо олиши турган гап эди.

Ўзи “конспект” нима? “Конспект” сузи аслида бирон мавзунинг қисқача мазмуни, баённи деган маънони билдиради. Шундан келиб чиқиб, конспект ёзиш ёмон эмас, аксинча, ижобий амалдай туюлади.



диктант ёзиши даражасида қолиб кетаверади.

Шунинг учун мен “ўзбекча конспект”нинг боғисига ҳар доим принципиал қарши бўлиб келтганман. Дарсларда домлаларимиз “Конспект ёзмайман, лекин истаган пайтингизда савол берсангиз мавзуни гапириб бераман”, деб шарт кўйр эдим. Айрим домлаларимиз менинг “ноҳақлигит”ни исботлаш учун роса уринган пайтлари ҳам

бўлиб бериб, кўлимизга 2 варақ адабиётлар рўйхатини тутқазгандарда, “кейинги дарсдан бошлаб, сизлар гапирасизлар” деган. Улар ҳазиллаштириб деб ўиласан, рост айттан эксанлар. Шу билан семестрнинг охиргача, бизлар (талабалар) адабиётлар рўйхатидаги китобларни ўқиб, интернетдан ва бошقا жойлардан маълумотлар топиб, ҳар бир дарсга тайёрландиган келар эдик ва мавзуни навбатма-навбат ўзимиз гапиришимиз керак бўларди. Домлаларимиз эса фактизмий эшитар ва баҳолаб борар эди, холос. Ўшанда меҳнат қилиб ўқишидан чарчаган пайтларимда “диктант ёзиб ўқишидан” ўқишининг қадри билиниб кетар эди.

...Париж Сиёсий фанлар институтида ўқишилар бошлангач, ўзимни ўзга дунёга тушиб қолгандай хис кўлганман. У ердаги ҳеч нарсани билмайман ва тушунмайман. Дарсларимиз иккича хилда бўларди: катта залда умумий ўтиладиган (биздаги “лекция”) ва синфларда алоҳида ўтиладиган дарслар. Синфларда ўтиладиган дарсларда домлаларимиз фақатгина биринчи дарсларни дарслагина дарс ўтганлар. Ўша дарсда улар бизга бир семестрга оид мавзуларни

бўлиб бериб, кўлимизга 2 варақ адабиётлар рўйхатини тутқазгандарда, “кейинги дарсдан бошлаб, сизлар гапирасизлар” деган. Улар ҳазиллаштириб деб ўласан, рост айттан эксанлар. Шу билан семестрнинг охиргача, бизлар (талабалар) адабиётлар рўйхатидаги китобларни ўқиб, интернетдан ва бошقا жойлардан маълумотлар топиб, ҳар бир дарсга тайёрландиган келар эдик ва мавзуни навбатма-навбат ўзимиз гапиришимиз керак бўларди. Домлаларимиз эса фактизмий эшитар ва баҳолаб борар эди, холос. Ўшанда меҳнат қилиб ўқишидан чарчаган пайтларимда “диктант ёзиб ўқишидан” ўқишининг қадри билиниб кетар эди.

Катта залдаги умумий дарсларда эса домла олдида мікрофонга тўхтамасдан гапириб кетаверади. Бизлар хўжасак ўзимизга “конспект ёзиб олишимиз” мумкин эди. Мана бундай конспект ёзишини конспект ёзиши деса бўларди. У конспектни олсангиз ҳам, олмасангиз ҳам ёки ўтиладиган (биздаги “лекция”) ва синфларда алоҳида ўтиладиган дарсларда домлаларимиз фақатгина биринчи дарсларни дарслагина дарс ўтганлар. Ўша дарсда улар бизга бир семестрга оид мавзуларни

сессиянинг охирида “Конспект дафтарини қани?” ҳам демасди. Конспект бу талабанинг шахсий муммосин эди. Ёза олсанг, ўзингта фойда, ёза олмасанг, дарсларни қаердан ўргансанг топиб ўрганаверасан.

Адабиётлар рўйхати билан мустақил ёки гуруҳи ишлашга ва доима гапириб кетаверадиган дарсларда конспект олишига ўрганган эмасдим. Буни менга Бакалаврда ҳам, Магистрда ҳам ўргатган эмаслар. Бизга факат “диктант” ёздиран. Бир семестр давомида бошини китобдан кўтамасдан, диктант ёздиран домлаларимиз ҳам бўлган. Шу сабабдан хориждаги ўқишининг илк даврлари жуда қийин кечган. Ўзбекистон имизда ҳам дарслар хўжакўрсинга, “диктант ёзиб ўқишидан” шаклида эмас, балки талабаларни билим олишига чорлайдиган ва янтиликлар излашга, яратиши интилидаги шакларда

ўтишини орзу қиласан...

...Ўзбекистон таълим тизимида талабаларни саводсиз қилиб, уларнинг умрларини кўкка совурадиган иккита иллатнинг биринчиси “қўйирмачилик” бўлса, унинг иккинчиси “ўзбекча конспект” бўлади. Агар келаҳажақда талабаларимиз 4 ёки 5 йил ўқиб, охирида факат диктант ёзишини ўрганиб (ўшанда ҳам ўргансалар) битирадиган мутахассислар булишларини соҳдамасак, бир кун келиб, албатта, “ўзбекча конспект” иллатидан воз кечишимиз ва унинг ўрнига дарсларимизда самаралироқ методларни кўллашимиз керак бўлади.

Дониёр РЎЗМЕТОВ,
Франция.

«SURXON RIELTOR SERVIS» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади

Эълон

олдин ариза қабул қилиш тўхтатишини маълум қиласимиз.

Юқоридаги мулклар 2020 йил 7 декабрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирида ёки савдо болиби белгиланганда муддатда шартнома имзолашдан бош торгса, шартнома имзолангандан сўнг шартнома шартларини бажармаса, тақориб аукцион савдоси 2020 йил 22 декабрь ва 2021 йил 6-21 январь, 5 февраль кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиласимиз.

Аукцион савдоси голиби савдо ўтган кундан бошлаб, 5 (беш) календарь кун ичидаги сотувчи билан олди-сотди шартномасини тушиш ва шартнома тузилаган санадан бошлаб, томонлар келишувини асосан мулкнинг сотилиш баҳосини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

Аукцион савдоси билдириган жисмоний ва юридик шахслар закалат келишуви тузилаганидан кейин объект бошлангич баҳосининг 15 (үн беш) фойзи миқдорида «SURXON RIELTOR SERVIS» МЧЖнинг ХАБ «Граст банк» Термиз филиалидаги рақами:

(МФО:01063. ИИН:304558702), 2020 8000 3007 1118 3001 ҳисоб рақамига закалат пули тўлашлари ва закалат пули тўлганганини тасдиқловчи хўжжат иловга қўйилган хўжжатларни тақдим этишлари шарт:

Жисмоний шахслар: фуқаролик паспорти, СТИР (Солиқ тўловчининг идентификация рақами):

Юридик шахслар: давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнинча, ўрнатилган тартибида расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқловчи хўжжат иловга қўйилган хўжжатларни тақдим этишлари шарт:


МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛ:

«SURXON RIELTOR SERVIS» МЧЖ Термиз шахри “И.Каримов” кўчаси 162 уй 1 хонадон.

Телефон: +998 (76) 221 90-36
+ 998 (97) 351-80-03,

Хизматлар лицензияланган.

Лицензия RR -0291.



Ушбу саҳифа Олий Мажлис ҳузуридаги Но-
давлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик
жамиятининг бошқа институтларини кўл-
лаб-куватлаш жамоат фондининг “Жамият –
ислоҳотлар ташаббускори” Даъват ижтимоий
буюргаси асосида тайёрланди.

Сўх туманида Рақамли технологиялар ўқув маркази очилди.



КИСКА
САТРЛАРДА
ЎҚИНГ!

3 кологик кспертиза рақамлаштирилди

Бугун жадаллик билан ривожлана-
Б ётган рақамлы технологиялар бар-
ча соңалар тараққиетида мұхим роль
үйнамоқда. Вазирлар Маҳкамасининг
“Атроф-мұхиттегі таъсирни бағолаш меха-
низмини янада тақомиллаштириш түгри-
сида” ги қарори ижросидан келиб чиқиб,
Экология ва атроф-мұхиттегі мұхофаза
қилиш давлат күмітаси томонидан есо-
service.uz веб-сайты орқали ишга туши-
рилған давлат экологик экспертизасидан
үтказиш тизимининг фаолияти ҳам замон
талабидан келиб чиққан ҳолда йүлгә кү-
йилди.

Ушбу ягона тизимга ҳудудий давлат экологик экспертиза-си марказлары интеграция қи-линият, атроф-мухитта таъсир кўрсатишнинг IV тоифасига мансуб, яъни маҳаллий таъсир кўрсатадиган фаолият турлари бўйича электрон анкета шаклида аризани тўлдириши дастурий счимлари амалга оширилди. Мазкур янгилик ҳисобига бу-юртмачилар шахсий кабинетида тегишли йўрикномат амал қилиб, осон, қийинчлиликсиз давлат экологик экспертизасидан ўтказилиш учун аризани юбори-шига кулаликлар яратилиди.

Давлат экологик экспертизаси нима?

Бу мўлжалланётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошقا фаолиятнинг эко-логик талабларга мувофиқли-гини ва экологик экспертизуза объектини реализация қилиши мумкинлиги ёки мумкин эмас-

— Аввалин тизимдаги экши-ка юғозбозлик тизими сақла-ниб қолтани сабабли ҳулоса-лар ва экологий лойинчаларнинг бир нусхаси юғоз кўринишидан ишлаб чиқариши объектига тақ-дим этилиб, иккинчи нусхаси архивга топширилар эди, — дей-ди “Давлат экологик экспертизаси маркази” ДУК етакчи эксперти Нормурод Машарипов. — Экспертиза ҳулосасини олиш, айниқса, вилоятлардаги буюргатмачилар, яъни тадбиркор-лар унун кўйлаб муммаларни юзага келтирган. Масалан, ре-публиканинг чекка ҳудудида-ги буюргами шартнома олиш учун Тошкент шахрига бир кел-са, лойиҳани тасдиқлатиш учун янга тақрор келишиш тўғри кел-ган. Қолаверса, марказ ходим-лари томонидан тақдим этилган лойиҳа атрофлича ўрганилиб, якуний ҳулоса берилгунга ка-муммаларни сабаби мутташ-лигини аниқлаш мақсадида ихтинослаштирилган эксперти-бўлинмалари томонидан ўтка-зиладан экологик экспертиза тури ҳисобланади. Режалашти-рилаётган хўжалик ва бошқа фа-олиятни амалга ошириш ҳақида қарор қабул қилишгача бўлган босқичда ушбу фаолиятнинг экологик талабларга муофи-лигини, атроф табиий мухит-нинг ҳолатига ва фуқаролар соглигига салбий таъсир кўрса-таётган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган, мўлжалла-ётган ва амалга оширилаётган хўжалик ҳамда бошқа фаолият-нинг экологик ҳафлилилар да-жасини, атроф табиий мухитни мухофаза қилиш ва табиий ре-сурслардан оқилюна фойдала-ниш бўйича назарда тутилаётган таддиларнинг етарилиги ва асослигини аниқлаш мақса-дига ўтказилиди.

жарыл жүзеге сарайлады. Айда буюртмачы яны маалым муддат кутиши керак болған. Шуннингдек, масаланың йўл ҳаки, меҳмонхонада харажатлари каби иқтиносидан жиҳатлари ҳам борки, буларнинг барчаси буюртмачи учун ортиқча харажат ва оворагарчиликларни келтириб чиқарган. Давлат экологик экспертизаси уч босқичса амалга оширилади — лойиҳа бошлангунча, обьект ва обьект амалга оширилиши пайтида. Ҳозирги янги тизим атроф-муҳитда таъсир кўрсатувчи обьектларни давлат экологик экспертизаси



Дав-
лат экологик экспертиза сасининг асосий функцияси режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини белгилаш ҳамда фаолиятни амалга ошириш мумкинligини аниқлашдан иборат бўлса, асосий вазифаси атроф табиий мухит, ахолининг ҳаёти, соғлиги учун хавфли ишлаб чиқариш ва хўжалик объектлари таъсирларининг олдиғи олиш, бартараф этиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширишдир.

Amara

"Атроф-мұхитта таъсирни бақолаш механизмини янада та-
комиллаштырыш түрлісінде" ги
қарор асосида давлат экологик
эксперттасызы хуосаларының
холислығы ва асосланғанлығы
ни таъминлаш, экспертиза орга-
нларында көліп түшгап муро-
жаатларни күріп чиқиши, уларға
услубий раҳбарлық қылыш шу-
нингдек, экспертизандың түккіліш
билин болғылғы мұммоми вая бахс-
ли масалаларни ҳал этиши учун
доимий фасолдат жүрітүвчи экс-
пертлар көнгаси ташкил қылыш
бүйічка амалий сабы-харакаттар
бошланған. Дағлат ва жамоат
экологик экспертизасы бүйіч
йүрикнома услубий ұжжатини
ишпәл чиқыши бүйіч дастылабки
матызмұлтар, давлат ва жамоат
экологик экспертизасының ұтқа-

ши-
орат
ий
ун
ик
-
зининг услубий жиҳат-
ларига оид материаллар
шакллантирилмоқда,
хорижий давлатларнинг
тегишила тажриба ва амал-
даги йўрикнома-услубий
хужжатларини ўрганишлар
йўлга кўйилган.

Давлат экология экспертиза ўтказишнинг интерактив тизимида лойиҳа материалларини ишлаб чиқувчи ташкилотларнинг ягона электрон базасини юритиш ҳамда уларнинг баҳолаш (рейтинг) тизимини жорий этиш мақсадида лойиҳа материалларининг сифатини баҳолаш учун дастлабки мезонлар ишлаб чиқилиб

Шу ўрнда яна бир маълумот. Давлат экологик экспертизаси хулосаларидаги белгиланган тадбирлар шартларнинг баъдилини мониторингиз тизими йўлга кўйилмоқда. Шунингдек, маҳсус дастурий ечими ҳисобига Назорат бўйича инспекция, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиши давлат қўмисти, Тошкент шаҳар ва вилоятлар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари хулосалар бажарилшини назорат қилиши ишларини ташкилаштириш навзард тутимоқда.

Содик НОРБОЕВ

Биласизми?

Асабучи праводаш

Асалари мумидан варақ ясаб қотган асабларга күйиб боғланса уларни юмшатади.

Қандлы диабетни даволаш

Ландри дас
паводаш

Если қоттан нонни ма-
йин эзіб, тоза шакар би-
лан аралаштириб, хар куни
наұрга иккі қафтдан ис-

Мунтазам хом карам еб

юриш гам қанды диабетда
фойдалы.

Сув ёқасидаги тол барғи-
дан юз донасини сувда қай-
натиши, соғутғач ичилди, бу
муолажа 10 кун давом эта-
ти.

Маъсуда ЁҚУБОВА
тайёрлади.

Юридик техникумларга ўкишга қабул қилиш тартиби белгиланды.

Совуқ кунларда иссиқ хоналар жоннинг роҳати

Маълумки, ҳар йили мамлакатимизда куз-киш мавсумига тайёргарлик ва уни бетала-фот ўтказиш борасида аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, жойларда қизғин паллада ишлар олиб борилади. Айнан шу масалаларга бағишиб жорий йил 17 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида ва 17 август куни Баш вазир раҳбарлигидага ўтказилган видеоселектор йигилишиларида республика иқтисодиёт тармоқлари, кўп квартириали уй-жой фонди ва ижтимоий соҳани 2020-2021 йиллар куз-киш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлаш бўйича долзарб вазифалар белгилаб берилган эди.

Бу борада Фаргона вилоятida ҳам сезиларни ишлар амалга оширилди. Айниқса, ижтимоий соҳаларда мавсум тайёргарликлари пухта ўтказилди. Биргина Кўқон шаҳрида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини куз-киш мавсумига тайёрлаш борасида тизимили ишлар қилинди. Хусусан, умумталим мактаблари, мактабгача таълим муассасалари, соғлини сақлаш объектларининг иситиш тизимлари таъмирланди. Табийи газ етисб бормайдиган худудларга эса кўмур етказиб берилди. Кўқон шаҳар Тиббист бирлашмасида куз-киш мавсумига тайёргарлик кўриш мақсадида иссиқик тармогининг 300 метри ва сув тармогининг 280 метри янгисига алмаштирилди. Поликлиникалардаги 30 дан ошиқ иситиш қозонлари янгилаанди.

Шаҳар халқ таълими бўлими тасарруфида 41 та умумий ўрта таълим мактаби мавжуд. Уларда 2020-2021 ўкув йили куз-киш мавсумига тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқиби, ижорси таъминланмоқда. Таълим масканларидаги мавсум тайёргарлик ишлари учун бюджетдан 1 миллиард 124 миллион сўм маблағ ажратилди.

— Куз-киш мавсумига тайёргарлик бўйича белгиланган ишлар босқичма-босқич амалга оширилди, — дейди шаҳар халқ таълими бўлими бош мухандиси Иброҳим Каримов. — Жорий йилда 6 та мактабнинг иситиш қозонлари янгисига алмаштирилди. 8 та мактабда янги ҳожатхоналар курилди. Мактабларда яроқ-

сиз ҳолга келиб қолган ички таъкид ишларни кувлурлари таъмирланди, тахт қилинди. 34 та табиий газда иситишга мўлжалланган мактабларимиз мутахассислар томонидан текширувдан ўтказилиб, фойдаланишига топширилди. Шу кунга қадар кўмири ёқилғиси билан иситиладиган мактабларга 500 тоннага яқин кўмири етказиб берилди.

Айни пайда Кўқон шаҳрида бутунги кунда 46 та мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятни олиб бормоқда. Шаҳар мактабгача таълим бўлими ҳамда шаҳар ҳокимияти томонидан куз-киш мавсумига болажонларга шароитларни яратиб бериш мақсадида сезиларни ишлар амалга оширилди. Газлашмаган 29 та муассасаларга



муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ишчи гурухлари ташкил этилиб, мавсумга тайёргарлик ишлари қатъий назорат қилиб борилмоқда. Айниқса, тумандаги мактабгача таълим ташкилотларида мавсум тайёргарликлари пухта ва сифатли қилиб ўтказилиди. Мавжуд 43 та боячлагни 172 та иситиш қозонлари соз ҳолатга келтирилди. Махаллий бюджетдан ажратилган маблағ эвазига бир неча боячанинг эшик ва ромлари янгисига алмаштирилди. Бир сўз билан айттанде, барча мактабгача ташкилотларда таъкид иштимонидан мусасасада курилиш таъмирилашади.

Кишлоқларда янгидан барпо этилаётган таълим муассасаларининг курилиш жараёнида замонавий кўринишга эга бўлиши билан бирга қиши мавсумига ҳам барқарор ишлашинг алоҳида аҳамият қартилмоқда. Айниқса, тадбиркорлар томонидан фойдаланишига топширилаётган хусусий боячаларда яратиляётган шароитлар натижасида болажонларимиз кенг ва ёргу хоналарда тарбия олишига замин бўлди.

Кишлоқларда янгидан барпо этилаётган таълим муассасаларининг курилиш жараёнида замонавий кўринишга эга бўлиши билан бирга қиши мавсумига ҳам барқарор ишлашинг алоҳида аҳамият қартилмоқда. Айниқса, тадбиркорлар томонидан фойдаланишига топширилаётган хусусий боячаларда яратиляётган шароитлар натижасида болажонларимиз кенг ва ёргу хоналарда тарбия олишига замин бўлди.

Жорий йилда Кўштепа туманида 120 ўринга мўлжалланган “Болажон” нодавлат мактабгача таълим ташкилоти ўз фаолиятини бошлади. Шу кунларда муассаса 70 нафардан ортиқ болани қабул қилиди. Тадбиркор томонидан туманинг энг чекка қишлоғига замонавий кўринишга, барча қуалайликларга эга бояча битказилиши қишлоқ аҳолисини мамнун этди. 4 миллиард маблағ эвазига барпо этилаётган муассасада замонавий спорт зал, тўтараклар ўтказиш учун хоналар ҳамда ёткозонлар билан бирга тежамкор иситиш тизими ҳам ўнатилилди. Тумандаги “Кувончи даврим” давлат хусусий шерикчилик асосида ўз ишини бошлаган боячанинг куз-киш мавсумига барқарор ишлашни учун барча шароитлар мухайёб. 150 ўринга мўлжалланган муассасада ҳам иситиш тизимлари илгор технологиялар асосида барпо этилилди.

Бир сўз билан айттанде, Фаргона вилоятida куз-киш мавсумига тайёргарлик кўриш бўйича — режалаштирилган ишларни ўз вақтида якунлаш ва мавсумни беталафот ўтказишга барча куч ва имкониятлар сафарбар этилган. Бунда карантин нормаларига амал қилиб, ишлар давом этирилмоқда.

Рустам МАМАЖОНОВ,
Фаргона вилояти.



старли миқдорда кўмур етказиб берилди. Таъкидлаш ўринини, ўтган куз-киш ҳолатидан келиб чиқиб 46 та мактабгача таълим ташкилотлари хатловдан ўтказилиб, киши мавсумига тайёргарлик режасига киритилди.

— Барча муассасаларнинг иситиш тизими, том, ҳожатхона, синган ойналарини алмаштириш ва атрофини девор билан ўтсан учун жами 1 миллиард маблағ ажратилиб, бутунги кунда барча таъмирлаш ишлари якунга етказилди, — дейди шаҳар мактабгача таълим бўлими мудири Иродаҳон Мирзаев.

Олияриқ туманида ҳам



“Адолат” миллий ҳукуқий ахборот марказининг асосий вазифалари белгиланди.



Буюк цивилизациялар марказида бўлган юртимизда азалдан юксак илм-фан, маданият тараққий этган. Айниқса, бундай юксалиш ўрта асрларда ўзининг юқори босқичига кўтарилиди ва равнақ топди. Бу даврда минглаб буюк мутафаккирларимиз, олиму шоирларимиз етишиб чиқди ва жаҳон илм-фани равнақига улкан ҳисса қўшиди. Бу эса, ўз навбатида, дунё аҳлини эзгу мақсадлар йўлидаги ҳамкорлигини бирлаштиришга ва тобора мустаҳкамлашга хизмат қиласди.

Мангулика даҳлдор мерос

Президентимиз Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган ҳалқаро конференцияда сўзлардан нутқида: “Бугунги форумнинг нечоги мухим ва долзарлиги унинг “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланни ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” деган эди.

Дарҳақиқат, минтақамиз ҳалқларини минг йиллик қардошлик ва яхши қўйничилик ришталари боғлаб туради. Бизни тарих, дин, умумий маданияти ва анъаналар бирлаштирида. Бугун буюк даҳлоримизнинг номлари тикланди. Уларнинг босиб ўтган ҳаёт йўли ва яратган бебаҳо бой илмий меросини ўрганиш, янги илмий-тадқиқотлар яратиш, уларнинг қадамжоларини обод этиш ҳамда асрар-авайлар борасида кенг қарорвли улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, давлатимиз раҳбари Имом Бухорий мажмусаси ёнида Имом Бухорий ҳалқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш тақлифини илгари сурди. Ва бу мухим тақлифнинг ҳаётта татбиқ этилиши тарихий аҳамиятта моядид.

ник иш бўлди.

Буюк даҳлоримизнинг бебаҳо улкан тарихий меросини атрофлича ўрганиш, тадқиқ этиш, уни ўснб келаётган ёш авлод қалбига, онгига сингдириш долзарб масалалар сирасига киритилиши мухим аҳамиятта молик. Миллатлараро тутувлик, динларро бағриренглик масалаларига ҳам устувор аҳамият қаратилгани диққатга сазовор. Бу борада Президентимизнинг 2017 йил 14 февралда “Имом Термизий ҳалқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 27 марта “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Имом Бухорий ҳалқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 23 июня “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида “Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ҳамда 2017 йил 15 декабрда “Ўзбекистон Ислом академиясини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” тақорорлари мухим аҳамиятта эта бўлди. Мазкур қа-

рорлар алломаларимизнинг бой маданий ва маънавий меросига бўлган фоят юксак эътибордан далолат. Хусусан, Имом Бухорий, Имом Термизийларнинг беназир меросини илмий асосда чукур ўрганиш нафақат ватанимизда, балки ҳалқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб этиш, қадриятларимизни асрар-авайларни ва ривожлантириши шу асосда ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, уларни буюк алломаларимизга муносиб авлод бўлишларига хизмат қиласди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришини бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини ривожлантириш каби масалалар ўрин олганлиги илм-фан, таълим-тарбия соҳаси давлат сиёсати даражасига кўтарилиганидан далолат. Бундай кенг имкониятлардан етариҷа фойдаланиб, буюк аждодларимизнинг улкан тарихий, маънавий меросларини атрофлича ўрганиш ва уни ҳаётта тадбиқ этиш, илм-фан чўққалирни забт этиш, тағанимизнинг обрў-эътиборни, унинг шон-шуҳратини ошириш ҳар биримизнинг муқаддас вазифамизга айланмоги керак. Ахир ҳар қандай тараққиётнинг асосини илм-маърифат ташкил этиди.

Хўш, бугун биз мавжуд имкониятлардан қай даражада фойдаланяпмиз? Аждодларимизга муносиб издошлар бўла оляпмизми? Бу саволларни бугун ҳар биримиз ўзимизга берсак, порлок келажакка интилишимизнинг илк қадами бўлади.

**Хакимали АЗИМОВ,
Тошкент давлат юридик
университети доценти**

Юксак марралар ташаббусларга асосланади

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунлардано милий ва умумисоний қадриятлар руҳида тарбияланган, жамият тараққиётiga ўз ҳиссасини кўшишга қодир, жисмоний ва маънавий етук авлодни камолотга етказиша алоҳида эътибор қаратилди. Бинобарин, айнан мана шундай ҳар томонлама етук авлодларгина оғир синов ва қийинчиликларни енгизга, юксак марраларни эгаллашга қодир бўлади.

Албатта, бундай улкан мақсадларга эришиш босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Бу борада Президентимиз 5 та мухим ташаббусни илтирибурган эди.

Тошкент давлат юридик университети ҳам 5 та мухим ташаббус доирасида салмоқли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, университеттега 5 та мухим ташаббус доирасида онлайн талабалар фестивалини бўлиб ўтди. Фестиваль доирасида 14 та турли лойиҳа ва танловлар амалга оширилди. Лойиҳаларда 337 нафарталаба иштирок этди. Иштирокчилар ҳафталик давомида ўзларининг эгалланган билимларини яна бир бор синовдан ўтказиб, интеллектуал салоҳиятлари, китобхонлиги, борасидаги фаолликлари, ижоди, илмий ҳамда спорт йўналишиларида маҳоратларини намоён этди.

Бундан ташқари, университет талаба-қизларининг ижтимоий фаолигини ошириш, уларнинг иктидори ва ташаббусларни қўллаб-куватлаш, мустаҳкам ойлавий ҳаётта тайёрлаш, кенг дунёкараш, билим ва тафаккурини ошириш, илм-фанга қизиқтириш, хотин-қизлар билан самарафи фаолият олиб бориши мақсадида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг университетдаги бошлангич ташкилоти қошида “Етакчи қизлар” клуби ташкил этилди. Мазкур клубга олийгоҳ қизлари аъзо бўлиб, ҳаёттӣ тажрибаларини ортишишмоқда.

Тошкент давлат юридик университети талабалари учун ташкил этилган “Зуко китобхон” клуби эса талабалар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиши, уларда китоб ўқишига бўлган қизиқишини янада оширишда катта самара бермоқда.

Демократизми, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш, уларнинг маънавий ва жисмоний барқамоллиги ҳамда таълим-тарбияси, мамлакатимиз тараққиётини белгилаб берувчи асосий омиллардан бири.

Имкониятлар эшиги

Мамлакатимизда
мерақтиш ва
давлат кадастри соҳа-
сида бир неча ўн йиллар
мобайнида тизимли
муаммолар тўпланиб
қолгани сир эмас. Тар-
тиб-интизом, ҳисоб-ки-
тоб бўлмагани сабабли
минглаб гектар ерлар та-
лон-торож бўлиб кетган.
Бу соҳадан аҳоли ҳам,
тадбиркорлар ҳам норо-
зи эди.

Шу боис жорий йил 7 сентябрда “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Президент фармони қабул қилинди. Ушбу ҳужжатда соҳади илғор тажриба асосида ислоҳ қилиш, янтича бошқарув тизимини жорий

тиши, ернинг ҳисобини тўлиқ юритиш ва рақамлаштириш бўйича комплекс вазифалар белгиланди.

Кадастр илк аҳборот тизими 1998 йил Ўзбекистон Республикасида ерни рўйхатдан ўтказиш 1 фазаси инвестицион лойиҳа билан жорий этилган. Кейинчалик 2001-2006 йилларда ушбу лойиҳанинг кейинги босқичларидан янги дастурий таъминот жорий этилди, лекин бу дастурлар номаълум сабабларга кўра, кадастр соҳасида оммавий кўлланиманди. 2014 йилда республика бўйича янги дастурий таъминот жорий этилиши белгиланди. Бунда Тошкент шаҳри давлат корхонасида жорий этилган дастурий таъминот янги тизим жорий қилингандан кейин 5-10 кун оралигига расмийлаштирилмоқда, бу жараён аввал 15 кундан 90 кунгача муддатни ўз ичига олар эди.

Янти тизим асосида ҳозирда фуқаролар учун қийинчиликларни келтириб чиқарувчи бир қанча муаммолар бартароф этилди. Жумладан, кўчмас мулкни давлат рўйхатидан ўтказиш илтириб ўзини ташкил этишини муддатли кисқарали, қозғобозликни камайди. Янти тизимда ярим соатдан 3 соаттагача зарур ҳисоблар тайёрланади. Бундан кўни тирибиди, кадастр соҳасида амалга оширилалаштирилган ислоҳотлар ҳам мулкдорлар, ҳам ходимлар учун бирмунча енгилликларни яратиб бермоқда.

**Дурдан АБДУЛЛАЕВА,
ЎзЖОҚУ талабаси**

томонидан қабул қилиниши йўлга кўйилди. Давлат ташкилотлари ўртасида идоралараро майлумотлар алмашинуви жорий этилди. Фуқароларга ҳамда тадбиркорларга давлат хизматларини кўрсатишда тўлиқ электрон ҳужжатлар айланмасини яратишга эришилмоқда. Натижада, фуқаролар уидорада бу идорага сарсон бўлмайдилар. Кўчмас мулкни давлат рўйхатидан ўтказиш илтириб ўзини ташкил этишини олади, бу оляпмизни оширишни бўла оляпмизми? Бу саволларни бугун қунга келиб ўтказиб, интеллектуал салоҳиятлари, китобхонлиги, борасидаги фаолликлари, ижоди, илмий ҳамда спорт йўналишиларида маҳоратларини намоён этди.

Янти жорий қилинган тизим юзасидан кадастр соҳасида фаолиятида аризаларни кўриб чиқиши ва меҳнат харажатлари қисқарали, ходимларнинг иш самарафорлиги ошади, ҳисобат тайёрлаш муддати қисқарали, қозғобозликни камайди. Янти тизимда ярим соатдан 3 соаттагача зарур ҳисоблар тайёрланади. Бундан кўни тирибиди, кадастр соҳасида амалга оширилалаштирилган ислоҳотлар ҳам мулкдорлар, ҳам ходимлар учун бирмунча енгилликларни яратиб бермоқда.

ахборот воситалари ва аҳборот кадастриларни кўллаб-куватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси. Тадбиркорлар ва ишбильармонлар ҳарарати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон экологик ҳарарати.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муктини муҳофоза килиш давлат кўмитаси.

**Бош мухаррир
МаҳониХОНОВ**

Таҳрир ҳайъати:

Рустам Комилов

Борий Алихонов

Ақмал Саидов

Рахмат Маматов

Нуридин Убайдуллаев

(Бош мухаррир
ўринбосари)

Ақтам Ҳайитов

Адҳам Икромов

Газета таҳрирчигининг компьютер бўлимида саҳифалари.

“Шарқ” наширият-матбаба ақдиордлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзизи Буюк Турон қўчаси 41.

Буюрта раками Г-1114 Адади: 1052.

Жума куни чиҳади.

Қоғоз бинчиси А-3, жамъи 2 босма табоб.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва аҳборот агентлигига 2006 йил 0010-рекам билан рўйхатта олинганди.

ISSN 2010-7722

Навбатчи: Мъясуда Ёкубова

Дизайнер: Бегали Эшонқулов

100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32.
Майлумот учун телефонлар: (71) 233-72-77,
233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:

Электрон почта: jamiat@umail.uz

Газета индекси – 131

“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотлардан манба сифатида газета номи кўйистилиши шарт.

Ўз якуни:

Топширилган вақти: 20:55

1 2 3 4 5

Фарғонада Вебстерь универсиети филиалини очиш режалаштирилмоқда.



ҚИСКА
САТЛАРДА
ЎҚИНГ!

ЯНГИ ча испоҳотлар ҳоким нигоҳида

Олмалиқ туманида ташкил этилган медиа-тур сұзимизни тасдиқлады

...Бир нафас бошингни кўтартгун-у, боқ:
Ер юзида ажисб виқор ва нуфуз,
Сенинг ўзинг каби ўйчан ва қувонок,
Хушфевъ бўлиб келмиси тупроғинга куз

Ардоқли шоиримиз Абдулла Орипов лутф билан таърифлаган шундай фараҳбахш куз кунларининг бирида Тошкент вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан бир гурух журналистлар иштирокида ташкил этилган медиа-тур Олмалиқ шаҳрида бўлиб ўтаётган "Тошкент вилоятида иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа обектлари ва кўп қаватли тураржойларни куз-қиши мавсумига тайёрлаш" бўйича матбуот анжуманидан бошланди.

Биласиз, шу күнларда юртимизнинг барча гўшаларида куз-қиши мавсумига тайёргарлик авжид. Олмалиқ шахрида ѹқом сифатида эндиғина иш бошлаган юбили Ҳамдамов медиа-тур иштирокчиларини кутуб олди.

Гапнинг индаллосини бу масаладан бошлаганимизнинг сабаби бор. Карвон яхши бўлиши учун яхши карвонбоши керак, дейди боболаримиз. Ҳа, бу айни ҳақиқат. Бунга янги ўқим билан бирга ҳудудларни айланаби, ҳалқ билан юзма-юз мулокотлар давомиди амин бўлдик.

— Одамлар уун күз-киш мавсумида күппроқ қулагиллар яратиш ва уларни күйнәтгән муаммоларни бартараф этиши мақсадида ишларни самаралаштиши этиши ҳаракат қылымыз, — деди шаҳар ҳөкими Қобил Ҳамдамов. — Ахолига хизмат күрсатыётгандан ширкатлар ўз ишине бажармаслығы оқибатидан бир қатор муаммолар ингилил қолғаны сир эмас. Муаммоларни бартараф этиши, күп қаватли турархойларни күз-киш мавсумига тайёрлаш мақсадида янги лойиҳани амалга оширияпмиз. Лойиха асосида «Бошқарув сервис компания»лари ташкил этилди. Бунда шаҳарларды ширкатларнинг молиявий ҳолатин таҳчилил қилиниб, «яши» (яшил), «ўрта» (сарик) ва «огир» (қизил) тоифаларга ажратилилади. «Огир» аҳволдаги ширкатларга биринчирлган күп қаватли турархойлар юқорида таъкидлаган бошқарув сервис компанияларига биринчирлди. Улар ҳозирда ахолига хизмат күрсатиш билан бирга синов тариқасида ўз фаолиятини олиб бормоқда. Мазкур ташкилот ўз ишини самарали олиб бориб, ахолидан тушаётгандан маблағларни мақсадида сарфласа, уларнинг оғирини енгил қылса, ийл давомида фаолият олиб бориш имконини берамиз.

Медиа-тур давомида шу ҳудудда ўз фаолияти бошлаган "Олмалиқ коммунал сервис" иш фаолияти билан танишдик. Компания 7 та ширкатни ўз ичига олган бўлиб, ҳозирда 4 та ширкатга қарашли кўп қаватли ўй-жойнинг барча муваммалари бўлгарраф этилган.

Олмалиқ шаҳрида жами 674 та кўп қаватли уй-жой мавжуд. Шундан 355 тасига 37 та хусусий уй-жой ширкатлари ва 1 та бошқарув сервис компанияси хизмат кўрсатмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент вилоятида иқтисодидаги тармоқлари, ижтимоий соҳа обектлари ва кўп қаватли турархий



Болалар майдончаси ҳам хароба ахволда. Йүлларимиз таъмрталаб эди. Бумуаммо яқында бартараф этиди. Умид қиласызки, бошқа муаммоларимиз ҳам ўз ечимини топади.

Шаҳар ҳокими тез орада барчасига
ечим топшиша ваъда берди. Туман раҳ-
барининг сўзида туришини биз ҳам ку-
тамиз ва, албатта, мазкур маҳалладаги
кўп қаватли тураржойда болалар май-
дончаси яқин орада булалонларимизга
тухфа қилинади. Инчунун бошқа мумам-
молар ҳам барафтардни этилади.

Хонадоңларда исситиң тизими қандай?

Шаҳар марказлашган иссиқпик энергияси билан таъминланганига ахоли билан сұхбатлашып амн бўлдик. "Бўстон" МФЙдаги 5 та кўп қаватлий уй ва 1 та болалар боғаси 1 дона козон орқали иссиқпик энергиясини олади. "Олмалик иссиқпик манбаи" МЧЖ тасарруфидаги жами 80,3 км. иссиқпик энергиясини етказиб берувчи куварлари мавжуд бўлиб, шундан 12 км. марказий иссиқпик кувари ҳисобланади. 59 км. ер остида жойлашган экан. Шаҳардаги кўп қаватли уйларни иссиқпик тизими билан таъминлаш заводининг иш фаoliyatiini кўришга қизиқдик.

— “Иссиқлик манбай” корхонаси наосстанциялары шаҳардаги 676 та күп қаватли уйғыл иссиқлик етказиб беради, — дея изоҳ берди “Олмаликсој” МФИ да.

Фондиди 2020-2021 йиллар күз-қиши даурида барқарор ишлашга тайёрлашында таымнилаш чора-табидирлари тұғри-сідағы қарорида ұар бир соҳа да үйналиш бүйіча ким нима ишнан бажариши, параметрлар, ұар бир үйналиш етгали-ри молиялаشتیرиш манбалар бүйічаның манзиллар белгилі берилдір. Бұ-бүйіча манзиллі даастур шактлантири-ли, 18 та күп қаваттың үйінде 904 миллион



жисобига мукаммал таъмирлаш ишлари
режалаштирилган.

Аҳолидан йигилаётган мажбурий бадал нархларининг пастлиги, пандемия даврида пул тушумининг кескин паса-иб, кредитларни қайтаришга имкони бўлмагани шаҳардаги айрим ширкатларга банкклар томонидан кредит ажратилишини тұхтаттан. Натижада, ширкатлар мажбул, ишда эса натижя йўк. Аҳолининг ширкатларга ишончи йўқолган.

— Биз тұловларни ҳар ой ўз вақтіда тұлайміз, аммо құрсатилаған хизметтер үшін "0" бўлиб қолди, — деді «Абдулла Каҳҳор» маҳалласындағы күп қаватлы уйда истиқомат қылувчи Нодира Ҳамрақулова. — Пандемия шароиттада ҳам ширкатлар бажариши керак бўлғанда ишларимизни уста ёлла, фалон пултага қилдирдик. Тўргинчи қаватда яшиман. Ўттан иялги қиши мавсумимда уй-мизга чакки ўтиб, хоналар таъмирига жиҳдий зарар етди. Бу йил қайтадан таъмирлатдик. Неча марта мурожаат қилдик, аммо натижага бўлмади. Айниқса, ёмғири кунларда ҳовлимигиза сув тўлиб, юриб бўлмайдиган холга келади.

745 та обьектлардан 567 таси иссиқлик билан таъминланганини айтib ўтиш жараёнда иссиқлик тизимини етказишида бир қатор камчилик ва қийинчиликларга утраёттанини ҳам яширмади. Бунинг асосий сабаби ширкатлар ҳамда кўп қаватли уйларнинг иссиқлик олишига тайёр эмаслиги. Чунки, "Иссиқлик манбай" МЧЖ томонидан иссиқлик обьектининг кириш қисмигача етказилади. Уйнинг тик-ётиқ қувулларига ширкат, уйнинг ички қувулларига уй эгалари жавоб берниши зарур. Барчамизга маълумки, куз-қиши мавсумига фақаттина иссиқлик корхоналари ва ширкатлар эмас, балки, ахоли ҳам тайёрларлик кўриши мақсадга мувофик. Масъулият билан ёндашилса, маблағ ҳам тежалади, вақт ҳам.

"Теракли" га сув келади

Кейнги манзилимиз чегара ҳудудла жойлашган “Теракли” МФЙ бўлди. Кўзлариди нур, юралларда мөхр ила очиқлик билан кутиб олган аҳолининг мутасадиллардан хурсанд эканлигига бир қараплаёк англаш қийин эмас. Чунки, неча йиллардан бўён ичимлик суви масаласи қийнасттан мўъжазгина қишлоққа бутун ичимлик суви келмоқда. Иш жараёнининг қизғин кечачёттанини кўриб, бизнинг ҳам ёрдамлашгимиз келди. Маҳалла оқсоқолларию ёши улуп кишилардан тортиб, ҳамма ишга шўнгигашган. Куч-бириклида деш шуни айтишса керак. Бу қишлоқда жами 200 та хонадон истиқомат қиласди.

— Бу ҳудудда истиқомат қиласынан 20 та хонадон сув таъминотига бүлгән эзги жиек сабаблы бизга бир неча бор мурошқат қилишган, — деди “Сувокова” Олмалик филиали раҳбары Шерзод Топилов. — Тан олишимиз керак шу вақтгача бу мұммам бартараф этилмаганды. Шаңар ҳоқими ташаббусы билан айни вақтта келип, 20 та хонадон сув билан таъминланадиган бўлди. Шу кунгача бу хонадонлар булоқ сувидан фойдаланган. Лекин булоқ суви баҳор, куз ойларидаги лойқаланишы сабаблы ичиши яроқсиз ҳолатта келади. Биз лойиҳади ишлаб чиқиб, бу ҳудудга 5 километр мағосфадан ичимлик сувини олиб келтиримиз. Ишни бошлаганимизда иккى кун бўлди. Яширишининг кераги йўқ, оддин биз масалани ҳал этишда бефарқлик қўлғанимиз ва таъминот жиҳатдан бироз мұммамга дуч келганимиз. Кеч бўлса-да бу ишни атрофичка ҳал қилиш. Умумий қўймати 72 миллион сўмни ташкил этган лойиҳадига яхин кунларда ўз са-марасимни беради.

Тоғ ёнбағрида жойлашган “Теракли” қышлоги ахолиси, кеч бұлса-да, тоза ичимлик суви билан тъминланмоқда. Аҳоли шундан мамнун. “Суви борнинг бори бор, бори борнинг кўкси тоғ” дейипшили. Кўкси тоғ бўлган одам баҳтиер, баҳтиёри киши эса улуг ишлароди кодир.

**Муроджон РАҲМАТОВ,
“Жамият” маҳорат мактаби
ТИНГЛОВЧИСИ**